

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 200 (10.505) / 2005 ЙИЛ 10 ОКТЯБРЬ

ИНТЕГРАЦИЯНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жорий йилнинг 6-7 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.

2002 йил 28 февраль куни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизда ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг қисқа тарихида талай ишларни амалга оширди. Унинг мақсад ва вазифалари сифатида барча аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умумминтақавий инфратузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган эди.

Ушбу мақсадларнинг барчаси ялпи хавфсизлик ва умумий тараққиётни таъминлашга қаратилган. Бунинг иқтисодий ва сиёсий асослари ҳам бор. Халқ кўжалиги бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги боис ташкилот аъзоларининг алоҳида-алоҳида иқтисодий тараққиётга эришишини ва ташкилоти алоқаларни ривожлантиришини тасаввур этиш қийин. Демак, минтақа давлатлари ва халқларининг бир-бири билан ҳамкорлик қилиб яшashi — тақдир азаллиги ҳукми. Марказий Осиё давлатларида маданий қадриятлар ва миллий урф-одатларнинг ўзаро яқинлиги ҳам ана шу азаллий ҳақиқатни тасдиқлайди.

Албатта, ташкилот ўз олдига қўйган барча мақсадларга эришди, деб бўлмайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, аввало, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий манфаатлари бор ва бу — табиий ҳол. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини ривожлантиришда айрим миллий манфаатларнинг умуминтақавий манфаатлардан устун қўйилиши қарорлар қабул қилишга, эришилган келишувларни ҳаётга тadbiq этишга маълум маънода тўсиқ бўлиб келди.

Ташкилот аъзолари глобаллашув жараёнининг ижобий томонларидан фойдалангани ҳолда, салбий жиҳатларининг таъсирини ҳам бошдан кечирди. Минтақавий интеграцияни ривожлантириш ишига, бу ердаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий жараёнларга, воқеалар ривожига ташки аралашувнинг бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Санкт-Петербург саммитида ўтган

даврдa қилинган ишлар ана шу нуқтаи назардан сарҳисоб қилинди. Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирдаги учрашувида президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашдаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокара асосан савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларининг муҳокамасига бағишланди. Ҳукуматлараро ишчи гуруҳ террорчилик ташкилотлари ва диний-экстремистик гуруҳлар ҳамда уларнинг раҳбарлари ва аъзолари рўйхатини тузиб бораётганлиги, парламент вакиллари миллий қонун ҳужжатларини ўзаро уйғунлаштириш борасида иш юритаётгани таъкидланди. Президентлар миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши томонидан тақдим этилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш концепциясининг лойиҳасини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Ташкилот доирасида парламентлар раҳбарларининг мунтазам мулоқотларини ҳамда ишбилармон доираларнинг минтақавий бизнес-форумларини ўтказиш аниқ-аниқ айланиб қолган. Санкт-Петербургда бу аниқани янада жонлантиришга, ижтимоий-маданий соҳа вакилларининг ҳам форумини ташкил этишга келишилди олинди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг бу галги саммити Евроосиёда интеграциялашув жараёнидаги бурилиш нуқтаи ҳосил бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Евроосиё маконида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва тараққиётни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) негизда янги ЕОИХни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ислон Каримов бунинг сабабларини изоҳлар экан, ҳозирги воқелик ана шундай қарор қабул қилишни тақозо этаётганини таъкидлади.

Аслида бу ишни анчадан буён давр талаб қилаётган эди. Бинобарин, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти қисқа вақтда каттагина тараққиёт йўлини босиб ўтди. ЕОИХ ҳам муайян ютуқларни кўлга киритди. Холисона айтганда, мазкур икки таш-

килотнинг мақсад ва вазифалари деярли фарқ қилмайди. Аъзолар ўртасидаги фарқ ҳам жуда кам. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига Беларусь, ЕОИХга Ўзбекистон қўшилмаган эди. Янги тузилма вақтни тежаш, бир масалани икки марта муҳокама қилмаслик ва икки марта қарор чиқармаслик, ортиқча ташкилий сарф-харажатлардан чекинши имконини беради. Шу боис саммит қатнашчилари Президент Ислон Каримовнинг ташаббусини бир овоздан кўллаб-қувватладилар.

Янги тузилмани Беларусь ҳам кўллаб-қувватлагани маълум қилинди.

Санкт-Петербургда саммити ана шундай муҳим натижа билан якунланди. Таъкидлаш жоизки, президентлар эришилган келишувлардан мамнуният изҳор этдилар. Бу ўзаро ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган давлатларнинг йирик жуғрофий маконини эгаллаган, улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақада янада фаол янги интеграция йўлини танлаганидан далолатдир.

Саммит доирасидаги музокаралар якунланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар муҳокама этилди. Россия раҳбари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашда, интеграция жараёнини фаоллаштиришда Ўзбекистон муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ислон Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожлантирилгани, Ўзбекистон ушбу мамлакатнинг «дўст қўлфатда билинади» деган нақлга асосланган сийбати йўксак кадрлашини алоҳида қайд этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шунингдек, сафар асносида Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент - Санкт-Петербург -
Тошкент.

XXI саҳоси
Барча мамлакатлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Бугун Тошкентда 1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўз ишини бошлади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳакамлар судларини ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасида Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари»га наватдаги қақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан муҳдатли ҳарбий хизматга қақиррилган аскарларни тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

• Самарканд вилоятида «Чўл-ййлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар ва соҳа мутахассислари қоракўлчилик муаммолари ва истиқбол хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

• Бухоро Озёк-овқат ва энгил санаят технологияси институтида «Озёк-овқат хавфсизлиги» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман қатнашчилари озёк-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар тўғрисида тўхталиб, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар беришди.

Жаҳонда

• АҚШ Ироқнинг янги Конституцияси бўйича референдум ўтказилиши олдида эъзвонлик хатти-ҳаракатларининг юзага келишининг олдини олиш мақсадида мазкур мамлакатдаги ўз ҳарбийлари сонини оширди.

• Исроил Бош вазири Ариэл Шарон парламент муҳолифатининг раҳбари, «Шинуй» партиясининг етакчиси Йосеф Липид билан музокаралар олиб бориб, унга ҳукумат таркибига қайтишни таклиф этди.

• Нефть махсулотларига бўлган талабнинг бирмунча пасайиши муносабати билан дунё бозорида «қора олтин»нинг нархи тушиши кузатилмоқда. Жумладан, Нью-Йорк биржасида ўтказилган сўнгги савдоларда бир баррел нефть 62,79 долларга баҳоланди.

• «Сотби» аукционида машхур инглиз адмирали Горадио Нельсондан қолган буюмлар сотилди. Жумладан, адмиралнинг 1805 йилда «Виктория» кемаси аъзоларидан олган совғаси — ноёб соат 720 минг АҚШ долларига сотилди.



«Tashkent open — 2005»

ОҚУЛНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

КЕЧА пойтахтимизда бир ҳафта давомида ўтказилган «Tashkent open-2005» мусобақасининг ғолиблари аниқланиб, уларни тақдирлаш ҳамда турнирнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

— Тошкентда бундай нуфузли турнирларнинг анъанавий тус олиб ўтказиб келинаётгани Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида катта спорт мамлакатига сифатида эътироф этилаётганининг яна бир исботидир. «Tashkent open» мусобақаларида кашф этилаётган янги-янги юлдузлар жаҳон спортининг тарихий са-

хифаларидан муносиб ўрин эгаллаётгани, улар орасида бизнинг теннисчиларимиз номи ҳам борлиги бунга яққол мисолдир, — дея алоҳида таъкидлади маросимда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев.

Давоми 8-бетда.



ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ СЕССИЯСИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси иш бошлади. Унда турли мамлакатларнинг 300 нафарга яқин вакили иштирок этаётди. Улар орасида таниқли маданият, фан ва маориф номандалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари ҳам бор.



Бош конференция доирасида ЮНЕСКО ташкил топганининг 60 йиллиги муносабати билан маросим, шунингдек, ЮНЕСКО бош директори лавозимига, ташкилотнинг ижроия кенгаши ҳамда

ёрдамчи муассасаларига сайловлар ҳам бўлиб ўтди.


Тадбирнинг биринчи кунини Бош конференция сессияси раиси М.Омелова, ижроия кенгаши раиси Х.Вреде ҳамда ЮНЕСКО бош директори К.Мацура сўзга чиқди.

М.Омелова сессия иштирокчиларига ЮНЕСКО Бош конференцияси котибиятининг фаолияти ҳақида ахборот берар экан, у ўзининг Ўзбекистонга буюрган ташрифига алоҳида тўхталди. М.Омелова "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг бешинчи анжумани ишида қатнашган ва ўшанда Ўзбекистон Президенти И.А.Қаримов билан учрашган эди.



М.Омелова фестивал чоғида Ўзбекистон Президенти томонидан ўзига совға қилинган миллий зарбоф тўнни кийиб олган эди. Мамлакатимиз делегацияси аъзолари билан учрашув чоғида у Самарқандда бўлган кезлари ЮНЕСКО Бош конференцияси ишида мазкур тўнни кийиб юришга ваъда берганини таъкидлар экан, бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги яқин ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришга ҳисса қўшагини қайд этди.

«Жаҳон» АА.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Бундан икки ҳафта илгари Германияда парламент сайловлари бўлиб ўтган бўлса-да, лекин ҳалигача ҳукуматни ким бошқариши аниқ эмас. Христиан-демократлар коалицияси мамлакат канцлери Герхард Шрёдер бошчилигидаги социал демократлардан бор-йўғи бир фойз кўпроқ овоз тўплаган. Бу натижа христиан-демократлар етакчиси Ангела Меркелга янги ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини бермайд.

● Украина Президенти Виктор Ющенко мамлакат миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашининг таркибини ўзгартирган. Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши таркибига бош вазир Юрий Ехануров, хавфсизлик кенгаши котиби Анатолий Кинах, президент котибиятининг раҳбари Олег Рибачук ва мамлакат хавфсизлик хизмати раҳбари Игорь Дрижаний киритилган.

● Япония оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қура АКШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд ўзининг Японияга режалаштирган сафаридан воз кечган. Пентагон раҳбарининг Японияга сафари 21-22 октябрь кунларига белгиланган эди.

● Ироқнинг «Халқаро музокараларни ривожлантириш маркази» томонидан ўтказилган сўровномага қура, мамлакат аҳолисининг катта қисми 15 октябрь кунини ўтказиладидаги референдумда янги конституция лойиҳасини маъқулламоқчи. Сўровномада асосий қонун лойиҳаси учун 79 фойз аҳоли овоз бериши айтилган бўлса, сайловчиларнинг саккиз фойзи унга қарши эканини билдирди.

● Бутун дунёга «Темир хоним» номи билан машҳур бўлган Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчер порохурликда айбланмоқда. 2000 йил май ойида у америкалик собиқ республикачи конгрессмен Том Делэй билан жиноий ишга қўл урган, дея гумон қилинмоқда. Британия ички ишлар вазирига хабарига қура, ушбу иш юзасидан 80 ёшли «Темир хоним» терговга қўрсатма бериш учун чақирилган.

● «Sky News» хабар беришича, Бангладеш ҳудудидаги учта шаҳарда портлашлар амалга оширилган. Полиция Чандпур шаҳри судида портлаш уюштирган икки терорчани қўлга олган. Ушбу портлаш натижасида икки киши ўлган, қўллаб кишилар жароҳатланган.

● Япониялик меймор Тойо Ито Британия Кириллиги архитекторлик институтининг Кирилица Виктория томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Тойо Ито замонавийнинг машҳур мейморларидан бири бўлиб, унинг лойиҳаси асосида Сендай шаҳрида қурилган Медиатека биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортиди. Хозирда меймор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий бинолар лойиҳаси устида ишламоқда.

Токиода халқаро ҳамкорлик мавзусига бағишланган «Global Festa Japan – 2005» фестивали бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Япония ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ушбу мамлакатда фаолият юритаётган ҳукумат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилди.

ТОКИОДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АНЖУМАНИ

Маълумки, Япония дунёдаги йирик молиявий донор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бир неча ўн йиллардан буён ушбу мамлакат ҳукумати «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида ривожланаётган давлатларга катта миқдорда бегараз ёрдам ва имтиёзли кредитлар ажратиб келмоқда. Ушбу маблағ эвазига дунёнинг турли бурчакларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тако-

миллаштириш, йўлсозлик, кўприклар барпо этиш, телекоммуникация тизимларини замонавийлаштириш борасидаги йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, Японияда фаолият кўрсатаётган қатор хоржий мамлакатларнинг дипломатия ваколатхоналари вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар. Улар анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари билан ўз мамлакатлари тарихи, мадани-

яти ва ҳозирги кундаги ҳаёти ҳақида тасаввур берувчи маълумотлар билан ўртоқлашдилар.

Жумладан Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси томонидан тайёрланган кўргазма бурчаги ҳам тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, мамлакатимиз халқ амалий санъати, мулоҳиза ва зардўзлик маҳсулотларининг намуналари кўпчиликини хайратга солди.

ЯПОНИЯДА «ЭКСПО-2005» КЎРГАЗМАСИ ЯКУНЛАНДИ

Япониянинг Аичи префектурасида янги минг йилликдаги биринчи «Экспо-2005» халқаро кўргазмаси нихосига етди. Кўргазмининг тантанали ёпилиш маросимида Япония шахзодаси Нарухито, мамлакат бош вазири Коидзуми, парламент депутатлари, дипломатия корпуси ва қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар мазкур йирик кўргазмининг ютуқ-муваффақиятларини юксак баҳоладилар.

«Экспо-2005»да дунёнинг 120 дан ортиқ мамлақати ўз экспозицияси билан қатнашди. Иштирокчи мамлакатларнинг миллий кунларига тўққиз нафар кирол оиласи, 18 давлат раҳбари, 16 бош вазир ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар ташриф буюрдилар. Олти ой давом этган мазкур кўргазмага ҳаммаси бўлиб 22 миллион киши келди. Бу эса ташкилотчилар кутганидан 7 миллион кўпдир, деган гап.

Маълумки, инсониятнинг кенг қамровли ва кўп қиррали фаолияти натижасида заминимизда иқлим ўзгаришлари, ер юзасида хароратнинг кўтарилиб бориши сингари ҳоллар рўй бераётирки, булар

натижасида инсоният турли муаммоларга рўпара бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу кўргазмининг асосий мақсоди дунё ҳам-жамиятини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига даъват этиш бўлди. Шу боис Аичи префектурасидаги 173 гектарлик кўргазма мажмуини барпо этишда япон мейморлари асосий эътиборни атроф-муҳит манзараларини ифода этишга қаратдилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу «Экспо-2005»да юртимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Мамлакатимиз мазкур тадбирнинг сертификати ва бронза совринини олишга муваффақ бўлди.

ИСЛОМДА ТЕРРОРГА ЎРИН ЙЎҚ

Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган «Қуръон тинчлик ва тараққиёт учун» мавзусидаги миллий семинар доирасида 2005 йил 13 май кунини Андижон шаҳрида бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Фильмда террорчиларнинг ваҳшийликларини ўзида акс эттирган ҳужжатли лавҳалар семинар иштирокчиларининг Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳаққоний тасаввурларини янада бойитди.

Анжуман иштирокчиларига мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний эътиқод учун яратилган катта шарт-шароитлар, ислом тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк бо-бокалонларимиз, шунингдек,

Андижондаги хуружларни ташкил этиш ва амалга оширганликда айбланаётган бир гуруҳ шахслар устидан олиб борилаётган суд жараёни тўғрисида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

Семинарда сўзга чиққан Ҳиндистон парламенти юқори палатаси (Раҷя Сабха) аъзоси Убайдулла Хон Азми қўлга қурол олиб, одамларнинг тинч-осойишта ҳаётига раҳна солган қимсаларни фақат «террорчи», деб аташ мумкинлигини айтди.

Тадбир ислом дини ва унинг дунё халқлари ҳаётидаги ўрни борасидаги фойдали мулоҳазаларга, ўзаро фикр алмашувларга бой бўлди. Бу семинар ҳам ҳинд жамоатчилигининг мамлакатимизга, унда кечаётган ўзгаришларга қизиқиши катта эканини яна бир бор намойён этди.

«Жаҳон» АА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **УЧТЕПА**, Сергели, Собир Раҳимов туманларидаги сардорлар ва посбонларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди.

● **МАҲАЛЛА** зиёси ўқув-услубий маркази ташаббуси билан шаҳрида мизнинг барча туманларида маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўқув-семинари бошланди.

● **ЭРТАГА** Охунбобоев номли маданият уйида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан «Кадриятларни улугълашимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

● **ФАЙЗИБОД** маҳалласида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди ва унда маҳалла фаоллари ҳамда туман ФХДЭ бўлими вакиллари иштирок этди.

● **ЭРТАГА** Миробод тумани ўқувчилар ижодиёт марказида «Очиқ эшиклар кунини» бўлиб ўтди ва унда туманда вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида бажарилган ишлар муҳокама қилинади.

● **БАЙНАЛМИЛАЛ** маҳалласида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида югуриш эстафетаси ва баскетбол бўйича 90 га яқин ёшлар иштирок этишди.

● **МАЪНАВИЯТ** ва маърифат маркази Миробод тумани бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Миллий кадриятларимиз» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** алоқа қоллежида «Давлат тили тўғрисида»ги Конунинг ижроси юзасидан тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тасаввур қилинг, ёруғ хонадонингизда бирдан чироқ ўчиб қолиб, эртанги кун учун жуда муҳим ишингиз чала қолиб кетди. Ёки бўлмаса, чироқ ўчганлиги боис телевизорда берилётган қизик янгиликлардан хабардор бўлолмай қолдингиз. Ёки эртага учрашувга мўлжалланган кийимингиз дазмолланмай тала қолди. Хўш, бунда қай ҳолатга тушар эдингиз? Биринчидан хубингиз ошади, жигибийрон бўлиб, фарзандингизга бақирасиз, ҳеч иккиланмай электр соҳаси ходимларини айблайсиз. Аммо шу пайтда ўйлаб кўрингчи, сиз электр ҳақини ўз вақтида тўладингизми? Балки сиз ўша айбланган электрликларнинг ҳеч қандай айблари йўқдир. Сизга беминнат ёруғлик нуруни етказиб берувчиларнинг фаолиятдан ўзи хабардормисиз? Ким у сизга нур ва ёруғлик етказиб бераётганлар?

Шаҳар хўжалиги тавзўида

НУР ВА СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК


Бугунги кунда «Ўзбекэнерго» давлат компанияси тизимдаги «Тошкент электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамиятида ана шундай ўз соҳасининг захматкашлари хизмат қиладди.

Шаҳар тармоғи жамоаси кейинги йилларда имкони борича ўз олдига қўйган вазифаларни астойдил ва ҳалол бажаришга ҳаракат қиляпти десак янглишмаган бўламиз. Айни дамда пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида, қўйингчи, барча бўйинларда истеъмолчилар ўзларига зарур электр қувватларини олишяпти. Шаҳар тармоғи айни дамда ана шу электр қувватлардан фойдаланишни назорат қилиш билан бир қаторда сарфланган қувватлар учун маблағни йиғиб олиш борасида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Қолаверса, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Маҳкамасининг бир йўла икки «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлар олиб бориляпти. Бу борада корхона бўйича алоҳида буйруқ чиқарилиб, туманлар электр тармоқлар назоратчиларига ёрдам бериш мақсадида қўшимча ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Бу эса электр энергияси ҳисоб-китоб механизмининг янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Шу ўринда шаҳар саноат корхоналарининг электр энергиясидан фойдаланиш бўйича шаҳар инспекцияси тақдим этган рўйхатга кўра жорий йилнинг 19 сентябрдаги ҳолатига қараганда қарзи 5 миллиондан ортиқ саноат корхоналарининг сони 70 дан ошиб кетди.

Масалан, Ҳамза туман электр тармоқлари корхонасининг катта инспектори Дониёр Ҳусановнинг таъкидлашича, айни чоғда тумандаги 80 дан зиёд юридик шахслар электр энергиясидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўламаганликлари боис судга берилган. Афсуски, масала ҳар доим ҳам кўнглиддагидек ҳал этилмаяпти. Сабаби суд ва прокуратура органлари учун тақдим этиладиган ҳужжатга ўз вақтида истеъмолчи ҳам қўл қўйиши керак. Афсуски, электр қувватидан кўр-кўрона фойдаланиб, тўлов ҳақини тўламасдан юрган ташкилот раҳбарлари ҳам талайгина эканлигини таъкидлашнинг лозим деб ўйлаймиз.

Истеъмолчиларнинг яна бир гуруҳи борки, буларни аҳоли ўртасида абонент деишадилар. Уларнинг сони 573 мингтани ташкил этади. Қизик бир ҳолатни айтишдан бўлсақ, таҳлиллар шунини кўрсатдики, шаҳар аҳолиси ўртасида кекса авлодга мансуб пенсияерлар, нафақақўрлар ҳамиша тўлов ҳисоб-китобини ўз вақтида бажариб келишадилар. Аммо ҳамма ҳам шундай эмас. Биз яқинда Шайхонтоҳур туманидаги аҳоли электр энергиясидан қай тарзда фойдаланаётганликларини кузатдик. У ердаги хонадонлардан бирини бўлдик. Уй соҳибни қистови билан жонига кирганимизда қўлпа-қўлдўз бўлишига қарамай энг замонавий, қўл қувват талаб қилинадиган қанديلлар ёниб турганлигининг, бошқа бир хонада эса компьютер ишлаб турганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ҳам камдек телевизор ҳам ёқиб бўлиб, ҳамма ўзи би-



лан ўзи овора. Ушбу хонадоннинг ҳисоб varaқасига қараганимизда 40 минг сўмдан зиёд қарзи борлиги маълум бўлди. Уй эгасини бундан огоҳлантирсак, пинағини ҳам бузмади. Биз уйни электр энергиясидан узатишга мажбур бўлдик. Қарангки, орадан бир соат ўтар-ўтмас ҳалиги хонадон эгаси бизни қидириб топди ва қарзларини тўлаганини айтди. Айни чоғда шаҳар бўйича бундай қарздорларнинг сони ўртача 80 минг абонентни ташкил этади.

Биргина Мирзо Улугбек туманидаги қарздорлар рўйхатини келтирадиган бўлсақ, масалан Марказ-1, 16-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи Содиковлар оиласининг 189 минг 750 сўм, Дархон кўчаси, 1-уй, 28-хонадонда яшовчи Тошимухаммедовлар оиласининг 364 минг 320 сўм, Ҳабиб Абдуллаев даҳаси, 3-уйда яшовчи Шевцовлар оиласининг 189 минг 600 сўм қарзлари борлиги маълум бўлди. Шунини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу биргина туман мисолида бўлса, бошқа туманларда ҳам қарздорлар сони кўпайиб боради.

Ачинарли томони шундаки, бизда ҳамон нур билан сувнинг қадри йўқ. Шунча ҳаракат ва жонқурлик қилмайлик, барибир бизга берилган ушбу неъматлардан тежамкор фойдаланишни ҳамон ўргана олмаёғамиз. Ўтган йилги ҳамкорларимиз бўлиш хитойлик мутахассислар билан Тошкентда, кейинчалик Фарғона водийсида бўлди. Наманганда шахсан биз учун қўтилмаган бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Биз билан сафарда бўлган мехмонлар эрталаб тишларини тозалаш учун бир хилда нари борса 100 граммлик идишларда сув кўтариб чиқишди. Қизиги шундаки, мезбон хонадонда водопроводнинг жўраги бўзилган, сув тинмай оқиб ётарди. Мехмонлар бу ҳолдан бир-бирларига маъноли қараб қўйишди ҳолос. Қарангки, учта мехмон тиш тозалаш учун бор йўғи 300 грамм сув сарфлашди. Энди биздаги ҳолатларни кўз олдидингизга келтираверинг.

«Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деб бежизга айтишмаган. Афсуски, ҳалигача биз сув ва нур қадрини таъбир жоиз бўлса бир пул қилиб, ундан кўр-кўрона, исрофгарона фойдаланаямиз. Бунинг ҳулосаси эса охири-оқибат яхшиликка олиб келмаслигини кўпчилигимиз ҳалигача пайқаб улгурмадик.



Орзуғул РУСТАМОВА, Азамат МАҚСУДОВ

СУРАТЛАРДА: «Тошкент электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ информатика залида туманлардан келган маълумотлар таҳлил қилинмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Муҳожаза, муҳожаза

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР БОЗОРДАГИ МУАММОЛАР

Тунов кунни бир даврада гурунглашиб қолдик. Шунда баъзи бозордаги муаммолар ҳақида сўз кетди.

— Жуда унчалик эмасдиров, — дедим эътироз билдириб. Шунда даврадагилардан бири:

— Анчадан бери бозор айланмаган кўринасиз, биродар. Шу яқин ўртада бир бозор айлангиз. Ана шунда бирни иккига пуллайдиган шоввозларни учратасиз, — деб қолдик.

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат деганларидек эрта туриб «Эски жува» бозорига йўл олдим. Расталар гавжум, мевалар бисёр, қўйингчи анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса топилади. Маҳсулотлар сифати, сотувчиларнинг хушмуомалалигига ҳам гап йўқ.

Бир чекадан маҳсулотлар нархини сўрай бошладим. Табиийки, уларнинг баҳоси турлича эди. Тўғри, деҳқоннинг меҳнатини инобатга олиш керак. Меваларни етиштириш, уларни саралаб, бозорга олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин назар ташласангиз сотувчилар орасида турганларнинг кўпи тижоратчилар. Бу уларнинг гап-сўзларидан, турли йўллар билан харидорни ўзига жалб этишларидан ҳам шундоққина билиниб турибди.

Тавба, дейман ўзимга ўзим. Бозорларда бундай қарасанг кунда текширув, ҳали бу ташкилот текширади, ҳали буниси. Улар нималарни назорат қилишадилар нималарни текширишадилар ўзи. Қолаверса биз тижорат йўли билан турли маҳсулотлар билан бозорни тўлдириб турган шоввозларга ҳам қарши эмасмиз. Лекин қараб турсак улар маҳсулотни шу ернинг ўзида арзон-таров олиб, бироз нарироқда икки баравар қимматига пуллашяпти. Шундай экан, улар фақат ўзим бўлай демай, инсоф сари барака, деган доно сўзга амал қилиб харидорлар ҳаменини ҳам ўйласалар яхши бўларди.

Жасур АХМЕДОВ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚУДУҚ

Ўтмишда ота-бобларимиз қудуқ сувидан фойдаланишган. Ўша қудуқлар атрофи эҳтиёткорлик чораси сифатида ердан камида ярим метр чамасида баланд қилиб пишиқ гишт билан кўтариб қўйиларди. Бу ҳолат сувни турли чикинди оқавалардан муҳофаза қилар, ҳам ўтган-кетганлар учун хавфсиз ҳисобланарди.

Замонлар ўтиб, хонадонларга қувурлар орқали зилол сув келди. Қудуқлар балки узоқ қишлоқларда бўлса бордир, лекин шаҳримиз учун ўтмишга айланди. Уларнинг ўрнига қранларимиздан оқиб турган сувлар оқимини, кўп қаватли уйлардан чиқадиغان ифлос оқаваларни баъзи авария ҳолатлардан муҳофаза қилиш учун ер ости қудуқлари пайдо бўлди. Уларнинг усти хавфсизлик мақсадида чўян қопқоқлар билан мустаҳкам беркитиб қўйилади қорди.

Лекин баъзи нолоқ қўллар уларга ҳам етиб борди. Шу боис шаҳарнинг у ер, бу ерида қопқоқсиз қудуқлар кўзга ташланиб қолади. Онда-сонда бўлса-да ўткинчи йўловчилар (айниқса тунда) беихтиёр уларга оёқ ташлаб юборадиган, гоҳида эса ўйинқароқ кичкинтойларнинг билиб-билмай уларга тушиб кетиш ҳоллари содир бўлдики, бу қўтилмаган ташвишлар баъзи оилаларга ортиқча ғам-ғусса келтирди.

Қарангки, баъзи устабазармонлар йўл ёқасидаги қудуқлардан ажабтовур фойдаланиш йўлларини ҳам излаб топишди. Улар катта йўл яқинидаги баъзи қудуқларнинг оғзини очиб унга сув тўлдириб олишадилар-да, йўловчи машиналарни ювиб, пул ишлашадилар. Шундай ҳолни ҳар биримиз кўча-қўйда онда-сонда бўлса-да учратиб турибмиз. Қудуқлардан бундай инсофсизларча фойдаланиш ҳолларига дуч келсак ёки баъзи оғзи очик қудуқларга кўзимиз тушса дарҳол бу ҳолатдан мутасадди ташкилотларни огоҳлантириб қўйишни бурчимиз деб бيلمोगимиз керак.

Мансур АЛИЕВ

КЕЧИРИМЛИК ИНСОН ЗИЙНАТИ

Мен инсонман деган улуг фикр-ла, Ҳамиша кўксимни тутаман баланд.

Донишманднинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, инсон — бутун бир олам, у дунё безаги. Инсоннинг хислат ва фазилатлари жуда кўп. Улардан бири ва энг муҳими кечиримли бўлишидир.

Кечиримли кишиларнинг оғир-босиқликлари, ўзларини тута билишлари, унинг қимлигини белгилувчи омил. Одатда кечиримли кишилар сермулоҳаза бўлиб, ақл-фаросат билан иш юритишадилар. Кечиримлилик эса аввало кишининг ўзини тута билиши ва бошқара олишида намён бўлади. Қизикқонлик, аччиқлиги, шовша-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримликка қара беради, кишини бекурд қиладилар.

Мана бир мисол: қадим замонда бир-бирини бениҳоя севувчи ошик-маъшуклар бўлган экан. Улар бир гийбатчининг бўхтону уйдирмалари билан анча йиллар бошқа-бошқа айриликда яшашларига тўғри келибди. Қизнинг оиласи уни бошқа йигитга турмушга бериш ниятида эканлигини эшитган ошик йигит маъшукнинг олдида келиб, ундан гарчи ҳеч қандай айби бўлмаса-да тиз чўкиб кечирим сўрайди. Қиз ҳам уни кечиради. Вақт ўтиши билан ўртадаги гаплар бўхтондан иборат эканлигини англаб етишадилар. Фақат кечиримлик туйғулари ошик-маъшуклар ўз орзуларига эришдилар. Бўхтончининг эса юзи қора бўлди.

Бу ҳақда буюк бобомиз Алишер Навоий шундай деганлар:

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

Ушбу мисраларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Комил ИСЛОМОВ



Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри 1929 йил 25 майда ташкил топган. Мазкур театр Марказий Осиёдаги энг "кекса" болалар театри бўлиб, Европада услубдаги театр сифатида ташкил қилинган бўлсада, бутун фаолияти давомида ўзининг аjoyиб томошалари билан катта кичик ўзбек томошабинлари қалбига томошаларнинг миллий руҳи орқали йўл топиб келган. Театрнинг асосий ташкилотчиси Семен Этьен, шунингдек Нурхон Ишмухаммедова, Афандихон Исмоилов бўлганлар. Театрнинг дастлабки фаолиятини йўлга қўйишда Етим Бобононов ва рассом Шоназар Шорахимова катта хисса қўшишган.

70-80 йилларда эса театр ижодий ҳаётида авлодлар — кекса ва ёш ижодий кўчларнинг бирлашуви натижаси ўз самарасини кўрсатди. Бу даврда ўзларининг баралла овозлари билан ёш актёрлар Лутфулла Саъдуллаев, Гулчехра Саъдуллаева, Хайрулла Саъдиев, Б.Нишоннов ва бошқалар кириб келишди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб

"бола" деб алдамаслик керак. Ҳозир халқимизнинг атоқли адиблари А.Авлоний, Гафур Фулом, Тохир Малик, Анвар Обиджон асарлари ангина услуб, янгича ифода воситалари билан илгор режиссёрлар ҳамкорлигида янги спектакллар саҳналаштирилди. Театримиз янги бинога кўчиртилгандан сўнг анчагина кийинчиларга дуч келдик. Ачинарли томони шундаки, баъзи спектакллари мизни бу саҳнада кўя олмаймиз. Аммо жамоамиз изланишдан, интилишдан тўхтамаяпти, мен улар билан фахрланаман.

Салтанат маскаларида БОЛАЛАР ТЕАТРИ — БЕТАКРОР ДУНЁ

Театр, айниқса болалар театри ҳар доим бетакроп дунё, бекиёв аjoyибот бўлиб, томошабинлар қалбига энг эзгу туйғуларни жо қилувчи даргоҳ бўлиб келган.



Илк бор театрда А.Сайфуллаевнинг "Сув ва қон", С.Шербаконининг "Бешлар", И.Ақбаровнинг "Қураш боласи" асарлари саҳналаштирилган. Уруш давларида "Бизнинг жангчи", "Полк ўғли" каби кўпгина спектакллар саҳналаштирилди. Театр ўз томошаларини харбий госпиталларда, завод ва фабрикаларда намойиш қилди. Мазкур театр фаолиятининг урушдан кейинги даври эса кўпгина ўзбек драматург, ёзувчи ва шoirларининг болалар учун ёзилган асарларининг саҳналаштирилиши билан аҳамиятланди.

50-60 йилларда актёрлар жамоаси эртак жанрида бир неча спектакллар саҳналаштириб, катта ютуқларга эришди. "Ойгул ва Бахтиёр", "Сирли сандиқ", "Ковоқвой ва Чаноквой" шулар жумласидандир.

Улар ўзларининг маҳоратларини нафақат юртимизда, балки Германия, Миср, Тожикистон, Қозоғистон каби кўпгина мамлакатларда болалар учун ёзилган энг сара асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг дурдона асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар билан бойитиб борилди. — Бу даргоҳда ўзбек театрининг не-не алломалари меҳнат қилган, — дейди театрнинг бадий раҳбари Олимжон Салимов. — Улар бутун умрларини "театр" деб аталмиш нозик санъатни болалар қалбига жо қилиш учун сарфлаганлар. Бу эса ҳаманинг ҳам қўлидан келарвермайди. Болаларини болаларча қабул қилиш керак, лекин уларни театр репертуари миллатимизнинг умид ва орзуларини ифодаловчи ўзбек халқ эртаклари ва достонлари, ўзбек адибларининг спектакли болалар учун ёзилган энг сара асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг дурдона асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар билан бойитиб борилди.

Мамбаа МАЪНАВИЯТГА УНДОВЧИ ТЎПЛАМ

Таниқли олим, профессор Ҳамиджон Ҳомидий мумтоз адабиётнинг билимдон сифатида муҳлисларга яхши таниш. Ана шу кўна адабиёт жараёнларини таҳлил этишга бағишланган тадқиқотлари унинг фаолиятида асосий ўрин тутди.

"Тасаввуф алломалари" деб номланган тўпلام ҳам олимнинг кўп йиллик изланишлари натижаси ўлароқ юзага келди. Ушбу янги нашр орқали китобхон шарқнинг кўза кўринган тасаввуф алломалари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади. Бундан ташқари адабиётда ҳикмат жанрининг

йирик намояндалари Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳалиқ Гийждувоний каби устозлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ҳам қизиқиш билан ўқилади. Китобда ёшларни ахлоқий руҳда тарбиялашга хизмат қилувчи ҳикоятлар ҳам ёритилган.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган спектакллардан лавҳалар. Ақбар АЛИЕВ

Маълумки, бугунги кунда халқимизнинг маданий дам олиши учун турли концерт дастурлари, қизикарли томошалар мунтазам намойиш этилмоқда. Лекин афсуски, концерт залларида учраётган баъзи тартибсизликлар яққол кўзга ташланмоқда. Сўнгги вақтларда Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтган хайрия концертлари ва «Нихол» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этган бўлсангиз, томошабинларнинг беодоб ҳаракатларининг гувоҳи бўлган бўлишингиз аниқ. Аниқ бўлса ҳам очик гапни айтиш керак, мазкур концертларда саҳнага чиққан таниқли кулги гулларни олиши, уларга таъзим қилиб, раҳматини айтишга мажбур эди. Бу ҳол севимли санъаткорларимиз саҳнага чиқиб кўшиқ ижро этишлари билан яна такрорланди. Томошабинлар санъаткорга ҳурматларини намоеён этиб гулдастандан гулдаста кўтарган мухлислар қаторлашиб чиқиб гулдаста тутқазса бошлашди. Уларнинг орасида энди йўлга кирган кичкинтойларгача бор. Бечора болақай гулни кимга, нимага бераётганлигини ўзи ҳам билмай, саҳна томон ҳаракатланаркан, тўхтаб-тўхтаб, орқасига ҳайрат билан қараганча кўзлари жавдираб борарди. Кулги устаси ҳам катта тайёргарлик кўриб бошлаган қизиқчиликларидан бироз чалғиб, мухлислари олиб келган

Махсий фикр

САҲНА МУҚАДДАС ЖОЙ

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўшиқчилик санъати ва унга қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Айтиш жоизки, халқимиз қадимдан санъатсевар. Куй-кўшиқ, аския шайдоси. Ишдан хориб-чарчаган вақтингизда ёки бирор нарсадан асабингиз бузилиб хафа бўлган чоғингизда дилбар куйми ё кўшиқ тинг. Тангиз, ал та кайфиятингиз кўтарилиб, дилингиз яйр эди.

Кулларни олиши, уларга таъзим қилиб, раҳматини айтишга мажбур эди. Бу ҳол севимли санъаткорларимиз саҳнага чиқиб кўшиқ ижро этишлари билан яна такрорланди. Томошабинлар санъаткорга ҳурматларини намоеён этиб гулдастандан гулдаста кўтарган мухлислар қаторлашиб чиқиб гулдаста тутқазса бошлашди. Уларнинг орасида энди йўлга кирган кичкинтойларгача бор. Бечора болақай гулни кимга, нимага бераётганлигини ўзи ҳам билмай, саҳна томон ҳаракатланаркан, тўхтаб-тўхтаб, орқасига ҳайрат билан қараганча кўзлари жавдираб борарди. Кулги устаси ҳам катта тайёргарлик кўриб бошлаган қизиқчиликларидан бироз чалғиб, мухлислари олиб келган

концерт залларидаги мутасадди раҳбарлар бундай аҳволни кўра-била туриб бирор чоратадбир кўришолмаётган бўлса? Ахир илгарилари севимли санъаткорларимиз саҳнага чиққанларида бундай номаъқулчиликлар содир бўлмаганку, томоша тугагандан сўнггина санъаткорга гулдасталар тутиб, қарсақлар билан олқишлаган. Нега энди айни маданиятимиз, маънавиятимиз юксалиб бораётган бир дамда шундай тартибсизликларга йўл қўйиб бераётганлигимизни тушунмаётган бўлсак... Нега энди томошабин санъаткорга бўлган ҳурматини маданиятсизларча намоеён этиш керак? Бу ҳолни бартараф этишнинг йўли осон-ку. Концерт бошлангандан олдин томошабинларга кичик бир эълончи ўқиб эшиттириши, санъаткорга гулдасталарни фақат у ижросини якунлаган вақтдагина бериши кераклигини, саҳнада суратга тушишни тақиқлаб, оғоҳлантирилиши, олам гулистон.

Уйлаймизки, бундан буён мана шундай тартибсизликларнинг олди олиниб, концертлардаги асабузарликларга чек қўйилади.

Гулором ҲАМИДОВА

Маънавият — ақл кўзгуси

Ўзбек халқининг қадимий ва миллий чолгуларидан бири дутор миллий мусиқа меросимизда катта ўрин тутди. Дутор чолғуси ҳозирги кунгача етиб келишида узоқ ўтмишни босиб ўтган. Тарихчиларнинг маълумот беришларича, дутор ҳақидаги илк маълумотлар ал-Форобийнинг мусиқага оид рисоласида ёритилган. (XIV-XV асрлар) қадимданок халқ орасида оммалашиб келган миллий чолғулар орасида дуторни барча хонадонларда учратиш мумкин.

Маълумки, дутор сўзининг маъноси, «ду» - икки, «тор» - чолғу дастаси бўйлаб тортилган симларини англатади, яъни «ду» кўшторли чолғу эканлигини билдиради. Дутор тарихдан созанда ва соз ясовчи усталар томонидан ижро услубини қулайлаштириш ва созининг овозини тиниқлаштириш мақсадида тақомиллаштириб келинган. Масалан, усталар Шорахим Шоумаров, Усмон Суфаров шулар жумласидан. 1930 йилларга келиб, ўзбек чолғулари ижрочилигида янги услуб, нога ёзувига асосланиб, ижро этиш мактаби услубига асос солинди. Чолғуларни тақомиллаштириш илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси - бир неча лойиҳачилар ва усталардан ташкил топган бўлиб, бу ерда Ўзбекистонда дутор оркестри ташкил қилинди. Бундан ташқари дутор сози Ўзбек халқ чолғулар оркестри таркибига жўр бўлувчи ва яққол соз сифатида кириштирилди.

Дутор чолғучилиги бўйича таҳсил олган ўқувчи-ёшлар орасида кўплаб халққа манзур бўлган созандар етишиб чиқди. Улар дутор созида ўзбек халқ мусикаларидан, ўзбек бастакорлари асарларидан, дунё мусиқа дурдона асарларидан, турли миллиятлар мусиқа асарларидан намуналар ижро этиб, республика кўрик-танловларининг ғолиблари бўлдилар. Масалан, Боқижон Раҳимжонов, Роза Хўжаева, Султон Қосимов ва Фароғат Матёқубовлар шулар жумласидандир.



Ҳозирги кунда Ўзбек Давлат консерваторияси Ўзбек халқ чолғулари факультети чолғучилик ва оркестр дирижёрлиги кафедраларида дутор синфи ва оркестр раҳбари мутахассислиги бўйича талаба ёшлар таҳсил олаётганлар. Ёшларга улкан билим ва тажрибаларини ўргатиб келаётган Анвар Ливиев, Феруза Абдурахимова, Боқижон Раҳимжонов, Роза Хўжаева, Озода Тошматова каби устозларнинг мусиқа санъатимизни ривожлантирувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, ёшлар ўртасида халқ чолғуларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор ҳиссини уйғотишда меҳнатлари бекиёс бўлмоқда.

Барно КЕНЖАЕВА

Музейларга

МУСАВВИР ИЖОДИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Устод Камолиддин Бехзод (1455-1536 й) дунёга машҳур мусаввир бўлиб, унинг ҳаёти ва ижодига мустақиллигимиздан сўнг катта эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 1995 йили Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига кўра Бехзод таваллудининг 540 йиллиги кенг нишонланган эди. 2000 йилда эса ЮНЕСКО хомийлигида республикамиз ва хоризжда буюк мусаввир таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди. Шунингдек Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Республика рассомлик ва дизайн институтига унинг номи берилди. 2002 йилда шаҳримизда Камолиддин Бехзод номидаги музей ташкил этилди.

Бугунги кунда ўз фаолиятини бошлаган музей ва у ерда жамланган ноёб экспонатлар, кўргазмалар ҳақида Камолиддин Бехзод номидаги музей директори, тарих фанлари доктори Абдумажид МАДРАИМОВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Камолиддин Бехзод номидаги музей Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилган қарори ва Ўзбекистон Бадий академиясининг 2002 йил 31 январдаги буйруғига асосан ташкил этилган. Музейнинг асосий фаолият йўналиши Камолиддин Бехзоднинг ижодий мероси, Шарқ миниатюра, хатотлик, нақшошлик ва умуман китобат мактаблари тарихини ўрганиш ва уларнинг энг яхши намуналарини тарғиб қилишдан иборат. Ҳозирги кунда музей жамоаси ўзининг фаолиятини янги ноёб ва қимматли экспонатлар сотиб олиш, турли кўргазма ва намойишлар ўтказиш, чет эллардан миниатюра санъати шох асарлари рангли слайдлар, фотонусхаларини келтириш билан имкон даражасида шуғулланиб келмоқда. Шунинг билан музейнинг қайд этиш жоизки, музейнинг бошланғич фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Ўзбекистондан четта олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссияси буюк мусаввир ижодига тааллуқли миниатюралар слайдлари ва рангли фотонусхаларини келтиришда фаол ёрдам берди. Натижада ҳаммаси бўлиб бир юз қирқ иккита миниатюралардан, буюк Британия музей ва кутубхоналари, хусусан Оксфорддаги Бодли кутубхонаси, Британия музейида сақланаётган Бехзод ва унинг шогирдлари ишларидан жами ўттиз еттита слайдлар, тўртта СД дискларга олинган тасвирлар, олтинчи донна рангли сурат ва бир донна микрофильм нусхалари келтирилди. Миср Араб Республикасида, Қоҳира шаҳри музейларидан, у ерда мавжуд Бехзод ва шогирдлари асарлари ва китобат зайнатларидан ўн бештаси тасвир мавжуд СД диск ҳам музейга топширилган. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчхонаси Тўпқоппу музейидаги расмлардан нусха олиш ишига ёрдам берди. Мана шу тадбирлар қаторида шарқнош Ф.Тешабоев Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги Осиё жамияти кутубхонасида сақланаётган устод Камолиддин Бехзоднинг ўз шогирди Қосим Али Чехрақушойга жавоб мактуби матнининг фотонусхаси Ўзбекистонга келтирилди. 2004 йил 31 майда музейга топширилди. Бу тадбирда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчхонаси ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги миллий кутубхонада сақланаётган Камолиддин Бехзоднинг «Хамса» асари кўлэмасида Камолиддин Бехзод ишлаган асарлар нусхалари тайёрланиб, музейга келтирилган.

Музей бугунги кунда Ўзбекистонда ижод этаётган иқтидорли рассомлар асарлари намуналарини йиғиш билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозирча замонавий рассом, нақшош ва хатотларнинг жами етти донна миниатюра, нақш ва хат намуналари жамланди. Буларнинг бир қисми миниатюрист рассомлар томонидан туҳфа сифатида тақдим қилинган кўвончли ҳолдир. Музейга ўз асарларини совға қилган хатот, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Х.Солиев, рассомлардан Д.Мухаммаджаримов, Ш.Шоахмедов, Ш.Шоамансуров, М.Ёқубжонов, М.Пўлатов, А.Турсунов, Х.Мирсоатов, А.Исроилов, И.Қодиров, С.Ахширриган. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчхонаси Тўпқоппу музейидаги расмлардан нусха олиш ишига ёрдам берди. Мана шу тадбирлар қаторида шарқнош Ф.Тешабоев Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги Осиё жамияти кутубхонасида сақланаётган устод Камолиддин Бехзоднинг ўз шогирди Қосим Али Чехрақушойга жавоб мактуби матнининг фотонусхаси Ўзбекистонга келтирилди. 2004 йил 31 майда музейга топширилди. Бу тадбирда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчхонаси ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги миллий кутубхонада сақланаётган Камолиддин Бехзоднинг «Хамса» асари кўлэмасида Камолиддин Бехзод ишлаган асарлар нусхалари тайёрланиб, музейга келтирилган.

Музейда китобат санъати асарлари намойиш этилишини назарда тутган ҳолда ноёб кўлэмга ва қимматли тошбосма китоблар ҳам аҳолидан сотиб олинмоқда. Ҳозирги кунга келиб музейда бир юз ўн еттита тошбосма ва кўлэмга китоб жамланди. Унинг энг қадимгиси XV асрда яратилган бўлса, энг сўнггиси, яъни янгииси камдада энг йил аввал чоп этилган тошбосма китоблардир. Бу китоблар ичида хати, муқоваси ва бадий безатилиши жиҳатидан ўта ноёб намуналар, йирик хатотлар асарлари, саҳрофлар намойиш этилди. Булар қаторида 2002 йил 2 декабрда «Камолиддин Бехзод - руҳини нақшош» мавзуда, 2004 йили январь ойида Темирийлар тарихи Давлат музейида «Темирийлар даври санъати ва маданияти» мавзуда, февраль ойида Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги, Камолиддин Бехзод таваллудининг 549



ғинонийнинг «Ҳудоя» асари кўлэмга ва турли нашрлари, шарҳлари, «Сияри шариф» асарининг нодир XVII кўвончли ҳолдир. Музейга ўз асарларини совға қилган хатот, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Х.Солиев, рассомлардан Д.Мухаммаджаримов, Ш.Шоахмедов, Ш.Шоамансуров, М.Ёқубжонов, М.Пўлатов, А.Турсунов, Х.Мирсоатов, А.Исроилов, И.Қодиров, С.Ахширриган. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчхонаси Тўпқоппу музейидаги расмлардан нусха олиш ишига ёрдам берди. Мана шу тадбирлар қаторида шарқнош Ф.Тешабоев Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги Осиё жамияти кутубхонасида сақланаётган устод Камолиддин Бехзоднинг ўз шогирди Қосим Али Чехрақушойга жавоб мактуби матнининг фотонусхаси Ўзбекистонга келтирилди. 2004 йил 31 майда музейга топширилди. Бу тадбирда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчхонаси ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги миллий кутубхонада сақланаётган Камолиддин Бехзоднинг «Хамса» асари кўлэмасида Камолиддин Бехзод ишлаган асарлар нусхалари тайёрланиб, музейга келтирилган.

Музейда китобат санъати асарлари намойиш этилишини назарда тутган ҳолда ноёб кўлэмга ва қимматли тошбосма китоблар ҳам аҳолидан сотиб олинмоқда. Ҳозирги кунга келиб музейда бир юз ўн еттита тошбосма ва кўлэмга китоб жамланди. Унинг энг қадимгиси XV асрда яратилган бўлса, энг сўнггиси, яъни янгииси камдада энг йил аввал чоп этилган тошбосма китоблардир. Бу китоблар ичида хати, муқоваси ва бадий безатилиши жиҳатидан ўта ноёб намуналар, йирик хатотлар асарлари, саҳрофлар намойиш этилди. Булар қаторида 2002 йил 2 декабрда «Камолиддин Бехзод - руҳини нақшош» мавзуда, 2004 йили январь ойида Темирийлар тарихи Давлат музейида «Темирийлар даври санъати ва маданияти» мавзуда, февраль ойида Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги, Камолиддин Бехзод таваллудининг 549

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ БУРЧАГИ

Болалар Ватан, ватанпарварлик туйғуси киши қалбининг битмас-туганмас маънавий бойлиги, бебаҳо гавҳаридир. Дунёда бу туйғуга тенг келадиган маънавий бойлик йўқ. Бу туйғу қалбимизнинг қуввати, эътиқодимизнинг бутунлиги, умримизнинг зеб-зийнатиридир. Утмишда яшаб ўтган аجدодларимиз ҳам бу туйғунинг эъозлаганлар. Ватаннинг ҳар зарра тупроғини кўзларига тўтиб қилганлар. Айниқса, тақдир тақозоси билан ўз юртиридан айро тушган Бобур, Фуркат каби шоир болаларимиз Ватанни кўмсаб, соғиниб изтироб чекиб шеърлар ёзганлар.

Ватан азиз, Ватан муқаддас, Ватан дахлсиз... Ҳатто ҷумоли ҳам ўзига душман ҳашаротларни инига яқинлаштирмайди.

Зухра юлдузи ҳақидаги афсона қаҳрамони Зухра ҳам ана шу муқаддас туйғу билан яшаган. У шунинг учун ёвлар билан мардонавор олишди. Афсуски, кўршовда қолди. Лекин ёвга таслим бўлмади, бош эгмади. Улимни афзал қўрди. Ҳатто минорадан ташлади. Мўъжиза ўзи бериб, жасур қиз юлдузга айлланиб қолди. Қиссадан ҳисса шуки мурдлик, қаҳрамонлик ҳеч қачон ўлмайди. У ҳамиша юлдуз каби чарақлаб нур сочиб туради.

МУАЛЛИФ

ЗУХРА ЮЛДУЗИ

АФСОҢА

Зухра юлдуз — ҳар юлдуз,
Кўнгли тўла нур юлдуз.
Нечун уни хур дерлар?
Қалби тўла нур дерлар.
Қадим ўтган замонда,
Амударё томонда.
Бир қиз яшаган экан,
Жуда яшнаган экан.
Қамат — сарви санобар,
Соци буй-ла баробар
Шўхликлари шалола,
Юзлари мисли лола.
Силкинганда сунбула,
Раҳиб эҳиб жаннат гули.
Унга ҳасад қиларкан,
Юрак-бағрин тиларкан.
Айлаганда такаллум,
Булбул қолар экан жим.
Сўзлари кескир — оломс,
Бари доноларга хос.
Оқудай ўтқур экан,
Қилчидай ўтқур экан.

Турк элини босди ёв,
Жанг бошланди беаёв.
Эл-юртдан дуо олиб,
Юрт ишқин дила солиб,
Зухра жангга отланди,
Бургутдай қанотланди.
Зухра қилди қаттиқ жанг,
Душман бўлди хору тағ.
Улар эди жуда кўп,
Келаверди тўп, тўп, тўп.
Кўпини қириб ташлади,
Ёв кўзини ёшлади.
Охири ҳолдан тойди,
Хайҳот кўршовда қолди.
Қўл, оёғин боғлаб,
Бағрини ўтда доғлаб,
Шоҳза олиб кетдилар,
Евқурлагин айтдилар.
Шоҳнинг қайнади қони,
Чиққудай бўлиб жони.
Ич-ичидан бўзлади,
Ғазаб билан сўзлади:
— Сен мени хароб этдинг,
Бағримни кақаб этдинг.

Лашкаримдан айирдинг,
Қанотимни қайирдинг.
Майли сени авф этдим,
Гуноҳларингдан ўтдим.
Кўрдим, кўркли экансан,
Евқур, эркли экансан.
Қойил қолдим мен сенга,
Завжа бўласан менга.
— Сен ёр айлағунча,
Номусим хор айлағунча,
Куним битгани яхши,
Тупроқ ютгани яхши.
— Қайсар экан турк қизи,
Олмосдай ўтқур сўзи.
Буни дорга остиринг,
Филларимга бостиригинг.
Сўнгра олиб бошини,
Жарга ташланг лошини.

ЗУХРА

— Ватан учун жон бермоқ,
Жондан кечиб қон бермоқ.
Менга бахту саодат —
Қилдинг менга муруват.
Лекин ўлим олдидан,
Чексиз зулм олдидан,
Чиқиб баланд минорга,
Тўйиб боқай диёрга.
Шудир сўнги иштижо,
Шуни айлагил бажо.

ШОҲ

— Майли, чиқиб минорга,
Тўйиб қара мазорга.
Улканг ўликка тўлди,
Ҳўп бўлди, ажаб бўлди...

ЗУХРА

— Қачонгача эй ёвуз,
Сен қонга чўмиласан?
Ҳадемай шу мазорга
Ўзинг ҳам кўмиласан.

ШОҲ

Чиқиб тушгач минорга,
Тилини ҳам кесинлар.
Жасадини чинорга,
Икки бўлиб осинлар...

Зухра чиқиб минорга,
Қараб қўйди чинорга.
Боқди олис тоғларга,
Чаманларга, боғларга.
Мисли кўзу қуллари,
Пасту баланд йўллари.
Ана зумрад ўтлоқлар,
Баҳор чоғи ўртоқлар.
Боқиб кўнгли майлига,
Чиқарди гул сайлига.
Гул-лолар терарди,
Дўстларига берарди.
Кўёш кўкда чирманда,
Одатин қилмай қанда.
Водийга нур сочмоқда,
Ҳовучлаб дур сочмоқда.
Оҳ юрти қандай гўзал,
Унга боқса ҳар маҳал.
Кўнгли юксалиб тоғдай,
Партираган чиройдай,
Равшан тортиб кетади,
Мехри ортиб кетади.
Тоғларнинг қори бор,
Одамларин ори бор.
Юртин бермас ёвларга,
Йиртқичи асовларга.
Хайр, авлидо ўлкам,
Сенга жоним берсам кам.
Ҳумор кўзини ёшлади,
Ўзин ундан ташлади...
Пайдо бўлиб фаришта,
Қодир эди ҳар ишга,
Қанотиға ўтказиб,
Учиб кетиб самога,
Етди арши-аълога.
Бир мўъжиза берди юз —
Юлдузга айланди қиз...

Шундан буйи у юлдуз,
Кўкда йиғлармиш унсиз.
Соғиниб диёрини,
Барча дўсту ёрнини.
Элим мени кўрсин деб,
Аҳволимни тўрсин деб.
Ерга боқиб турармиш,
Чироқ ёқиб турармиш...

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

ЛУФАТ:

Тақаллум — гаплашиш
Сарви-санобар — тикка ўсган чиройли
дарактлар
Лаш — ўлик жасад
Завжа — хотин, аёл.

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Оролбўйи аҳолиси учун етти юз эллик минг доллардан зиёд миқдордаги инсонпарварлик ёрдами юкларни ортилган поёзд Навоий-Ургенч-Нукус шаҳарларидан ўтиб, Тошкент шаҳрига қайтиб келди.

Мазкур инсонпарварлик ёрдами «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Инсонпарварлик ёрдами таркибида дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена ва санитария воситалари, кийим-кечак, сиёсий ва бадиий адабиётлар бор. Шу билан бирга, Оролбўйига юқори малакали шифокорлар гуруҳи ҳам бориб, режалаштирилган икки мингта ўрнига уч ярим минг нафар кишини тиббий кўриқдан ўтказишди.

Жамғарма мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур муруват поёзди аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ҳар томонлама ижтимоий муҳофазалаш, эҳтиёжманд одамларга инсонпарварлик кўмаги ва тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасида Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туман аҳолисига ёрдам кўрсатилди. Айниқса, ногиронлар ва кўп болали оилаларга алоҳида эътибор берилди. Бирор касаллик аниқланганда ишчи ва ходимлар маҳаллий касалхона ёки Тошкентдаги шифохоналарга юборилди.

“Туркистон-пресс”

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида Тошкент Молия институты биринчи курс талабаларининг «Талабалikka ташриф» деб номланган тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда институт раҳбарияти, мураббий устозлар ва талабалик бахтига муяссар бўлган барча талабалар иштирок этдилар.

Мағбурлар

ТАЛАБАЛИККА ТАШРИФ

Кечани табрик сўзи билан очган институт ректори, профессор А.Ваҳобов талаба деган шарофли номга сазовор бўлган ёшларни ана шу олий даргоҳ талабаси бўлганликлари билан қутлаб, уларнинг келгуси ўқиш ва ишларида ҳамда илм олиш йўлидаги эзгу ишларида муваффақият тилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шу институт профессори Қамариддин Усмонов ҳам талабаларни институт раҳбарияти ва барча ўқитувчи-мураббийлар номидан илк «олтин» даврлари билан табриклаб, келажакда Ватанга муносиб асл ва оқил, баркамол фарзандлар бўлиб етишишларига, доим тўғри йўлдан боришга, ота-оналари, устозлари ва катталарга нисбатан ҳурматда бўлишларига ва мукаммал билим олишларида юксак салоҳият ва ойдин йўл тилади.

Шундан сўнг институт ректори энг юқори балл тўплаб ўқишга кирган талабалар — Жамшид Давлатов, Илёс Сафаров ва Обида Жўраеваларга ҳар йили анъанавий тарзда топширилган рейтинг дафтарчаси ва биллилар калитини топширди. Давлат тест синовларидан юқори балл тўплаган яна бир гуруҳ талабаларга рейтинг дафтарчалари ва совғалар топширилди.

Шундан сўнг тантанали равишда талабалик қасамёди қабул қилинди. Талабалар профессор-ўқитувчиларга гулдасталар ўлашдилар. Тадбир сўнгида театр актёрлари ва театр қошида очилган Ўзбек халқ чолғу дастаси қатнашчилари ҳамда севимли хонандалар ижросида дилрабо куй ва кўшиқлар янгради.

Марям АҲМЕДОВА

Шарқ дурдоналари



● Ишқ либосини кийишдан оғир қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

Кимнинг юрагидан муҳаббат бўлса, Бузуқ наф кўйидан ўзини кутқарар.

Ҳаётнинг қўлидан зарба ер бир кун, Ҳар ким муҳаббатсиз умр ўтказса.

Саодат кимёси ҳисобланур ишқ, У қалбини айлагай бамисоли зар.

● Агар нону сув билан ичингни тўлдириб олсанг юрагингга билим йўл тополмайди.

● Башар Ҳофий деди: «Агар очлик бозорда сотилдиган мато бўлса, оқил киши учун ундан яхшироқ сотиб оладиган нарса йўқ!»

● Бузургмехр айтади:

— Ёмон хотин аввало, ўғрига, сўнг эса душманга ва ҳокимга ўхшайди. Унинг ўғрига ўхшагани шунинг учунки, у эр молига хиёнат қилади, алдаб, номуносиб ишларга ишлатади, эрининг илтифот билан қилган яхшиликларини назарга илмайди ва менсимай қарайди, фақат ўзи учун наф келтирадиган нарсага интилади. Унинг душманга ўхшаши шу жиҳатданки у душман каби эрига доимо қовоқ солади, чиройини очмайди, эрни менсимайди, доимо гина қилади, ҳар ишдан айб топиб, хафа қилади. Унинг ҳокимга ўхшаши шу вақтданки, эрни доимо ўз фармонига амал қилган ҳолда кўришни истайди, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади, уни ҳақоратлашни яхши кўради, арзимас нарса учун унга ғазабини сочади, эрининг хафа ёки хушнудлигига парво қилмайди.

Яна айтиди:

— Яхши хотинларнинг эрни иззат ва иқром қилиши шундайки, улар ўз эрларининг оиладаги қирим-чикимга рози бўладилар, етишмовчилик ва ғамлик кунларда эрига итоб қилмайдилар, кеча ва кундуз эр билан доимо муроса ва мадорада маслаҳат билан кун ўтказадилар!

● Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутишни, улар ҳеч қачон сенга хиёнат қилмасинлар. Бундан ташқари, оғирлик кунлариде сени танҳо қолдирмасинлар. Молингга мағрур, камбағаллигингга ғамгин бўлма! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди, кулфатда хор бўлмайди.

Футбол

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГМИ?

Футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олган терма жамоанинг бошига бахт куши кўнган дея таърифласак адашмаймиз. Зеро, ҳар тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган ушбу оламшумул турнирда қатнашиш ҳатто мана-ман деган ҳар бир терма жамоага ҳам насиб этавермайди.

Германияда 2006 йилда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланма кўлга киритишга бу гал айнан бизнинг терма жамоамиз ҳам жуда яқин. Яъни унинг бошига бахт куши кўнай-кўнай деб турибди. Бу масалани ҳал этиш чарм тўп усталаримизнинг ўз қўлларида. Шу жиҳатдан олганда, ўтган шанба куни «Пахтакор» марказий стадионида жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш босқичидаги Бахрайн термаси билан бўлиб ўтган плей-офф учрашуви жуда сув билан ҳаводек зарур эди. Ушбу ўйинга тайёргарлик учун вақт ҳам, шарт-шароитлар ҳам етарли бўлди, об-ҳаво аъло даражада эди. Биз футболчиларимиздан фақат ҳужумкор ва умидбахш ўйинни кутдик...

Шундай қилиб, ишқибозлар билан лиқ тўла стадиондаги маъзур жуда жиддий ва муҳим ўйинга чарм тўп усталаримиз кўйидаги таркибда тушишди: Евгений Сафонов, Владимир Радкевич, Андрей Фёдоров, Миржалоил Косимов (сардор), Асрор Алиқуллов, Сервер Желаров, Анвар Солиев, Виктор Карпенко, Максим Шацких, Алексей Николаев, Тимур Копадзе.

Таркиб борасида шунга айтишимиз мумкин, Н.Ширшов ва Б.Ашурматов каби етакчи чарм тўп усталаримизнинг йўқлиги сабабли Владимир Радкевич ҳимоя чизигимизни анча мустаҳкамлади дея айта оламиз. Бирок кўпчи-


лик муҳлису мутахассислар соғлигини тиклаган Гейнрих ўйин бошланишидан майдонга тушиб ҳужум чизигини кучайтиради деб ўйланганди. Мураббийлар эса Солиевни яхшироқ спорт формасида деб ҳисоблашди.

Рақибларимизнинг эса бешта ҳимоячи ва битта ҳужумчи билан майдонга тушиши уларнинг биринчи галда ҳимояга муҳим эътибор қаратиб, қарши ҳужумларга зўр беришидан далолат эди. Кутилганидек, ўйин бошланишиданок футболчиларимиз хавфли ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилишди, бироқ уларнинг ҳаракатларига аниқлик ва ушқоқлик етишмасди. Жумладан, дастлабки дақиқадаёқ Шацких рақиблар жарима майдончасига ёриб кирди. Сўнг Солиев ва Қосимов ўнг қанотдан марказ томон тўпни шерикларига аниқ етказиб беришга олмади. Қарши ҳужумларнинг бирида эса Т.Юсуф чап қанотдан туриб шундай аниқ зарба бердики, тўп икки ҳимоячимиз ва дарвозабонни шундоқ ёнидан ўтиб кутилмаганда тўрға тушди ва ўйинда ҳисоб очилди — 1:0.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмай дарвозадан анча чеккада туришига қарамай Максим Шацких қийин вазиятдан боши билан тўпни қайтариб ва аниқ зарба билан тўрға бехато туширган ҳолда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Жамоалар қанчалик уринишмасин, биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи таймда футболчиларимиз кўплаб бурчак ва жарима тўпларини тепишларига қарамадан дарвозалар даҳлсиз қолди. М.Бикмаев ва А.Гейнрихларнинг майдонга тушиши ҳам



ўйинда бурилиш ясай олмади. Албатта чарм тўп усталаримизнинг зарбаларидан сўнг тўп икки марта дарвоза устунига тегиб қайтсада, бу гал биздан омад юз ўтирди. Шу тарихи тақдирини ўтказилган ўйинда терма жамоамиз учун жуда ноқулай ва кутилмаган 1:1 ҳисоби қайд этилди. Тўрт кундан кейин Бахрайнда ўтказилган ўйинда албатта барча нарса ҳал бўлади. Ҳар ҳолда, майдон текис, тўп юмалоқ дейдилар. Сафардаги учрашув ҳар қандай ҳисобда яқунланиши мумкин. Бироқ нима бўлганда ҳам чарм тўп усталаримиз учун рақиб майдонидаги иккинчи учрашувнинг жуда мураккаб кечиши аниқ. Биз терма жамоамиз аъзоларининг бутун куч-маҳоратларини ишга солиб, ўзлари учун керакли натижага эришишларини тилаб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон-Бахрайн
учрашувидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Ҳар йилида

“ОЛТИН ҚАЙЧИ”

СОВРИНДОРЛАРИ

Кўйчилик кенг кўламда ривожланган Янги Зеландияда жун қирқувчилик энг оммавий касблардан бири ҳисобланади. «Нойес Дойчланд» (ГДР) газетасининг ёзишича, мамлакатнинг жонли бойлиги 70 миллион қўйдан иборат. Бу ерда ҳар йили 350 минг тоннагача жун қирқиб олинади ва у экспортда катта ўрин тутди. Унча катта бўлмаган бу мамлакат учун қўйчиликнинг юксак даражада ривожланганлиги жун қирқувчилар касбининг обрў-эътиборини ошириб юборган.

Ҳар йили кўпчилик жун қирқувчилар Мастерстон шаҳарчасида ўтадиган, Янги Зеландияда жуда ҳам оммавий бўлган «олтин қайчи» совриндорлари конкурсида иштирок этадилар. Жун қирқувчиларнинг ишга баҳо бериш учун бу ерга юзлаб фермерлар ва минглаб ишқибозлар келадилар. Конкурс шартига биноан унинг ҳар бир иштирокчиси 20 та кўй жунини қирқиб иши керак. Ўз касбининг усталари бўлган конкурс иштирокчилари бу ишни 20 дақиқада бажарадилар. Бироқ, жюрининг талабчан аъзолари бу ишга фақат баҳо беришга бўлиб қарайди. Балки иш сифатини, ҳайвон терисининг жароҳатланишини синчиклаб текширадилар. Фолиблар номи ва ўрнатилган рекорд натижалари жун қирқувчиларнинг ўзига хос фахрий китоби — Мастерстоннинг олтин китобига киритилади ва бутун мамлакатга эълон қилинади.

Годфри Боуэн узок вақт мобайнида Мастерстонда ўтган қўлгана мусобақаларнинг ғолиби бўлган. У биринчи бўлиб қўйларнинг жунини қирқиб технологиясини тақомиллаштирди. Бу тезда ўзининг натижасини берди. Илгарилари Годфри бир кун ичида 330 та кўйнинг жунини оларди. Эндиликда эса у янги технология асосида ишлаб, бу рақамни 559 тага етказди.

БОЛАЛАР ХОТИРАСИ НЕГА КУЧЛИ?

Болалар ҳамиша шеърларни тез ёдлай олиши ва чет тилларини энгил ўзлаштириб олиш қобилиятига эга эканликлари билан ажралиб турадилар. Бунинг сабаби нимада? Америка шифокорлари 21 миҳознинг бош мия қобиғи тўқималарини тадқиқ этдилар ва болалар мия тўқималари 1,5 баравар кўп алоқага эга эканлигини аниқладилар. Шуниси эътиборга лойиқки, мия тўқималарининг алоқаси дастлабки икки йилда тез содир бўлади ва бундан кейин бу жараён секинлик билан давом этади ва 16 ёшдан 72 ёшгача ўзгармай қолади. Маълумки, мия тўқималари ўртасидаги алоқалар сони бевосита тез қубул қилиш ва яхши эслаб қолишни таъминлайди. Шунинг учун ҳам болалар дастлабки беш йилда кейинчалик бутун умр мобайнида ўрганадиган нарсанинг ярмини ўзлаштириб оладилар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Вечерний Ташкент

Сиз билан ҳафтасига беш кун бирга!

Ҳеч қандай муаммоларсиз турлитуман ахборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Газеталарга шахримиздаги барча алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.
Агарда савол туғилса, 133-28-95,
136-55-83 телефонларига кўнгиноқ қилинг.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АК «TSHTT» ФИЛИАЛИНИНГ ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАРИ!

Янгиобод телефон узели 96-АТСни 1960000-196 9999 ҳамда 1945000-1948007 рақамларини ўз ичига олувчи рақамли электрон ЭАТСга ўтказиш ишларини бошламоқда.

Рақамларни босқичма-босқич алмаштириш муддатлари — 2005 йил 10 октябрдан 30 октябрга қадар амалга оширилади.

Рақамли электрон АТС кенг кўламдаги қўшимча хизмат турлари — ҚХТга эга бўлиб, уларга телефон узелининг телекоммуникация хизматларини амалга ошириш бўлимида (абонентлар бўлими)да буюртма бериш мумкин.

Электрон АТС хизматларига тўлов 125-1/1 ва 125-1/7 преискуранти тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли учун:

- ойлик абонентлик тўлови — 665;
- чиқувчи сўзлашувларнинг ҳақ тўланмайдиган вақтининг белгиланган лимити — ойига 180 дақиқа;
- кирувчи сўзлашувлар (ташқаридан кўнгиноқларга) ҳақ тўланмайди;
- ойига белгиланган 180 дақиқадан ташқари чиқувчи сўзлашувнинг ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган дақиқаси учун вақтбай тўлов — 2,2 сўм;
- халқаро ва шаҳарлараро алоқа учун ҳақ мавжуд тарифларга кўра тўланади.

Алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб қилар экансиз Сиз энг устун томонларидан бири очиқлик бўлган автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидан фойдаланасиз.

Телефон алоқаси хизматларига ҳақ хизматлар кўрсатилганидан кейин ва олдиндан аванс тўловини тўлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Бевосита хизматлар кўрсатилганидан кейин ҳақ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- абонент тўлови бўйича жорий ой давомида;
- тўлов ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда кейинги ойнинг 15 ва 30 қўнларига қадар маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун вақтбай тўлов усули бўйича ҳисоб-китоблар.

Маълумотлар учун телефонлар:
196-23-23 ва 96-03-99.
«TSHTT» маъмурияти.

Футбол

ИТАЛИЯЛИКЛАР КЎРИГИДАН ЎТИШАДИ

Кейинги йилларда Европа кўтасининг бир гуруҳ футбол мутасаддилари мамлакатимизга тез-тез ташриф буюрадиган, иқтидорли ёш чарм тўп усталарини синовдан ўтказадиган бўлиб қолишди.

Бундан икки йил аввал «Пахтакор» жамоасининг икки нафар аъзоси — Александр Клецов ва Марат Бикмаев «Интер» клуби мураббийларининг синовидан ўтишди. Кунни кеча пойтахтимизга Италиянинг машҳур «Лечче» клуби мураббийлари ташриф буюришди. Эътиборли томони, италиялик футбол билимдонлари Ўзбекистон миллий биринчилигининг олий ва биринчи лигасидаги айрим учрашувларни кузатишга ҳам ўлгуришди. Қувончли жиҳати шундаки, хорижлик мутахассисларга «Локомотив» жамоаси ярим ҳимоячиси Азиз Хайдаров ҳамда «Шўртан» ҳужумчиси Соби Усмоновнинг ҳатти-ҳаракатлари маъқул келди шекилли, эндиликда бу умидли икки ёш футболчи «Лечче» таркибидан кўриқдан ўтишди.

ЯПОНИЯ САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

Авал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Японияда навбатдаги машғулот йиғинларидан иштирок этишди.

Кунига икки маҳалдан машғулотларда қатнашган ёш футболчиларимиз йиғиннинг сўнгги кунини Япониянинг «Кашива Райсан» клуби ўсмирлар жамоаси билан ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синошишди. Қизилкари ва мурасасиз кечган беллашув ўзбекистонликларнинг тўлиқ устулчида ўтиб, ўсмирлар терма жамоамиз 3:1 ҳисобидаги галабага эришишди.

ХАЛҚОРО ТУРНИРГА ХОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Душанбе шаҳрида 23-27 октябрь кунлари ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш баҳслари бўлиб ўтади.

Эътиборли томони, англиялик мураббий Тоал Колин бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз ушбу турнирда қатнашиб, кейинги босқич йўлланмаси учун тожикистонлик ҳамда покистонлик тенгдошлари билан ўзаро кураш олиб боради. Шу боис ҳам айни кунларда Тоал Колин шогирдлари ушбу нуфузли турнирда пойтахтимизда жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Дароқе, ҳозирда англиялик мутахассис ёшлар терма жамоамизга 23 нафар футболчини жалб қилган.

Биз ёшларимизга Душанбеда ўтадиган турнирда муваффақият қозониб, юртимизга ёрۇғ юз билан қайтишларини тилаб қоламиз. (Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар, Миробод тумани «Тошкент шаҳар ҳокимлиги Лотерейлар ташкил қилиш бошқармаси» (ОКПО 16552581) тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уй, тел: 136-39-37.



«Tashkent open — 2005»

ОҚГУЛНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Дарҳақиқат, бундан ролпа-роса бир ой аввал Осиё кўтасининг спорт оламида янги чемпион — ўзбекистонлик теннисчи Оқгул Омонмуродованинг номи кашф этилгани қалбларимизни бир олам ғурур ва ифтихорга тўлдирганди. КЕЧА эса бу 21 ёшли қизимиз WTA тақвимида атиги 252-поғонада бўла туриб, «Tashkent open — 2005» турнирининг беш даврадаги баҳсларида биринчи юзликдаги кучли спортчилар билан тенгма-тенг беллашиб, умидбахш ўйин кўрсатди ва финал баҳсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бинобарин, асосий галаба узоқ Голландияга кетган бўлса-да, аммо бундай нуфузли мусобақада финал даражасидаги ютуққа эришишнинг ўзи ҳам катта гап. Демак, Оқгулнинг бу ютуғи мамлакатимизнинг спорт оламидаги шухратини янада юксалтирди дейишга ҳақлимиз.

Шу ўринда бироз яқин тарихга назар ташласак. «Tashkent open» турнирлари Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Дастлаб уч йил давомида бу турнир Халқаро теннис федерацияси мақоми остида, 1999 йилдан бошлаб эса WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси мусобақаси сифатида ўтказилмоқда. Бу дегани мазкур турнирда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни жаҳон тенниси меzonларига тўлиқ жавоб беради ва «Tashkent open»да дунё бўйлаб танилган спортчилар қатнашиши учун барча шароитлар мужассам бўлаётганидан далолатдир. Шу билан бирга ўтган етти йил давомида мамлакатимизга юзлаб профессионал теннисчилар қаторида маҳоратини эндигина хархалаётган умидли спортчилар ҳам ташриф буюрмоқда ва уларнинг кўпчилиги айнан Тошкентда илк катта турнирда қатнашиб, дастлабки ютуқларни, ҳаттоки голибликни қўлга киритаётди. Келажакда улар янада юксак чўққиларни забт этаётганларидан мамлакатимиз заминини яна бир оёқларидан шубҳасиздир.

1999-2004 йиллардаги «Tashkent open» мусобақаларида биринчи марта голиблик нашидасидан баҳраманд бўлган Анна Смышно-ва (Исроил), Бьянка Ламате (Германия), Мария Микаэлян (Швейцария), Руано Паскуаль (Испания), Николь Зандисова (Чехия)лар эндиликда WTA таснифида биринчи эллидаги спортчилар қаторида туради. Албатта, мамлакатимизда кашф этилган бу теннис юлдузлари орасида ҳамюртимиз Ирода Тулганованинг номини алоҳида айтиб ўтиш лозим. 2000 йилда бўлиб ўтган «Tashkent open» мусобақасида Ирода ўзидан анча кучли спортчилардан устун келиб, катта теннисда дастлабки галабага эришганди ва бу турнир кейинчалик унинг юксалиб боришига мустаҳкам пойдевор бўлди десак муболага бўлмайди. Ирода Тулганова WTA таснифида 16-поғонага кўтарилишга муваффақ бўлди.

Спорт олами мусобақалар иштирокчиларига нафақат шухрат олиб келади, балки қийин ва оғир дамларни бошидан кечиришга ҳам сабаб бўлади. 2-2,5 йил аввал Ирода оғир жараҳати туфайли деярли бир йил кортларда кўринмади. Лекин у 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган турнирда қатнашиб, ҳали имкониятлари сўнмаганига ишонч ҳосил

қилди. Бу йилги мусобақаларда ҳамюртимиз асосий жадвалнинг икки давра ўйинларида қатнашиб, яхши натижаларга эришди. Демак, аста-секин ўзбекистонлик теннисчи ўз мавқени тиклашга ҳозирлик кўрмоқда ва унинг бундай ҳаракатлари бесамар кетмаслигига ишониб қоламиз.

Қолаверса, Оқгул Омонмуродованинг бугунги кунда эришаётган катта ютуқлари Иродага анча руҳий далда бўлаётганини сезиш қийин эмас. Ўзбекистон теннисининг етакчиси И.Тулганова Осиё чемпионатида ҳам, «Tashkent open — 2005» мусобақаларида ҳам дугонаси Оқгул ёнида бўлиб, унга тажрибаларини ўргатаётганлигининг бир неча бор

намён этди. Биринчи сетни рақибига бой берган бўлса ҳам, иккинчи сетни 6/4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Оқгул аслида «икки сетли» ўйинчи ҳисобланади, балки шу боисдан уч сетда давом этган ҳал қилувчи — сўнгги баҳс унга бироз оғирлик қилган бўлса кераки, ўйин 6/0, 4/6, 6/3 ҳисобида рақибининг галабаси билан яқунланди.

Шундай бўлсада, Мичэлла Крайчек (2-лавҳа) турнирининг ёпилиш маросимида жамланган кўпчилик томошабинлар олдида Оқгулнинг ундан кучли спортчи эканлигини эътироф этиб, келгусида Тошкентга яна бир бор қайтиши ва ўз галабасини тасдиқлаб олиш истагини ҳам билдирди.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Оқгул Омонмуродова учун WTAнинг 63 та турнирларидан бири «Tashkent open»да финалчи бўлиш галаба билан тенг деса бўлади. Буни ҳамюртимизнинг ўзи ҳам яхши англамоқда. «Лекин ватандошларим мендан ҳақиқий галабани кутганликларини яхши билардим... Афсуски, мухлисларим ишончини оқлай олмадим ва бунинг учун уэр сўрайман», ич-ичидан аянч билан ҳўрсиниб деди Оқгул.

Кўтға чемпиони, WTA тасарруфидоги «Tashkent open — 2005» мусобақаси финалчиси Оқгул Омонмуродованинг бундай дил изҳоридан шундай хулоса қилиш мумкин, ҳамюртимиз, дарҳақиқат, жаҳон спорт майдонларида унга катта ишонч — ўз замини, ўз мамлакатини шарафлаш ва улуглаш ишончи билдирилатганини ўта масъулият билан қабул қилмоқда. 2006 йилнинг бошида Оқгул Омонмуродова Осиё чемпиони сифатида «Катта дубулга» туркумидаги дунёнинг тўртта йирки мусобақаларидан бири — «Австралиан open» турнирининг асосий ўйинларида қатнашди ва ҳамюртимизнинг фикрини қайтарган ҳолда, Оқгул албатта бундан яхши натижаларга эришишига ишонч билдириб қоламиз.

Шундай қилиб, «Tashkent open — 2005» турнирига яқун эсалди. Бирок хулоса ўрнида мазкур мусобақаларда тўрт йил давомида матбуот марказини мувофиқлаштириш вакили сифатида қатнашиб келатган Гилберт Нгичинг (4-лавҳада чапда) қуйидаги фикрини келтириб ўтишни ҳоиз деб билдик:

«Tashkent open» турнирининг йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётгани шубҳасиз ва бунга қўлпаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, бу борда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқийсдир. Хусусан, бу йилги турнирнинг ёритилишида 40 дан зиёд маҳаллий телевидение, радио ва газеталар қатнашган бўлса, хорижий «Рейтер», ИТАР-ТАСС, Интерфакс, Ассошиэтед-пресс каби агентликлар орқали ҳам мазкур мусобақа ҳақида кундалик маълумотлар дунёга етказиб турилди. Бу Тошкентда, мамлакатнинг пойтахтида ўтказиб келинаётган бундай профессионал мусобақаларда жаҳон бўйлаб акс-садо бераётганидан яққол далолатдир. WTA ва ATP таснифида ҳам Марказий Осиё давлатларидан фақат Ўзбекистон шундай шухрат қозонаётганини эса алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА
Алишер Рискиев (Ўз) ва Юлия Бреднева (Латан) суратлар



гувоҳи бўлдик. Мураббийсиз ўз-ўзи билан машғулотлар ўтказайётган Оқгул Омонмуродова учун иродали Иродадек бундай сўянчик айни мудоао бўлди, десак адашмаймиз.

Оқгулнинг ўйинларини томоша қилиб, унга хайрлихў бўлиш ниётида ҳаттоки устозлари ҳам доимо ёнида бўлгани кўпчиликини албатта ҳайратта солди.

Оқгул университетимиз гурури, талабаларимиз учун намунадир, — деди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жисмоний тарбия кафедраси доценти Чаман Олимхўжаева. — Оқгулнинг тиришқоқлиги ва интилувчанлигини яхши билганимиз туфайли унга эркин дастур асосида ўқишига имконият яратиб берганмиз. Бу йили у тўртинчи курс талабаси бўлгани ҳолда, ҳар бир берилган вазифани вақтида бажаришга ҳаракат қилиб келмоқда. Биз учун, албатта, бугунги маросимда Оқгул уни қўллаб-қувватлаётган кўпчилик қаторида университет домлаларини ҳам тилга олиб, миннатдорчилик билдирганидан жуда мамнун бўлдик. Демак, унинг ютуқларида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор экан-да...

«Tashkent open — 2005» турнирида «вайлд кард» — ташкилотчилар тақдим этган ишончли имконият орқали иштирок этган Оқгул бешта ўйиндан иккитасида мусобақаларда сараланган Алёна Бондаренко (Украина) ва Мария Елена Камерин (Италия)ни мурасаси беллашувларида енгиб ўтди. Финалда унга голландиялик Мичэлла Крайчек рўбарў келди. Оқгул сараланган бу кучли спортчи билан илгари учрашмаган бўлишига қарамасдан, уч сет давомида бир неча маротаба ўзини «кескин зарба» деб ном олган ўйинини



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-52-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқоб офсет усули билан. 2496 нускада босилди. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларига почта бўғимларига ёки «Тошкент почтамага» — 133-74-05 телефониға мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.